



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 12 январь, № 8 (8903)

Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ТАРМОҒИДА 4 МИЛЛАРД ДОЛЛАРЛИК ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 январь куни электротехника соҳасидаги натижалар ва галдаги вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Бу соҳанинг саноатдаги улуши 3,5 фоиз, товарлар экспортида 10 фоизни ташкил этади. Утган йили 31 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 1 миллиард 300 миллион доллар экспорт қилинган. 516 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 85 та янги корхона ишга тушган. Бу соҳада 27 мингдан зиёд юртдошларимиз ишламоқда.

Утган йили 5 сентябрда бўлган видеоселектор йиғилишида соҳада натижадорлини ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган эди. Шунга асосланиб жорий йилда қатор вазифалар белгилаб олинган.

Тақдимотда “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси раиси бу йил ҳудудларда 4 миллиард долларлик 290 та янги лойиҳани бошлаб, 600 миллион доллар инвестиция ўзлаштириш, мисни қайта ишлаш даражасини 75 фоизга етказиш режаларини айтди.

Бунда маҳаллийлаштириш дастурларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, бу йил мамлакатимизда 75 мил-

лиард долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Шунинг 28 миллиард долларини маҳаллий маҳсулотлар ҳисобидан қоплаш мумкин.

Электротехника кластерини кенгайтириш учун Оҳангаронда қўшимча 200 гектар, Фарғонада 10 гектар, Урганчда 4 гектар ер ажратилди. 181 миллиард сўм эвазига инфратузилма қурилди.

Энди тадбиркорларга технопарклар ҳудудда тайёр бино қуриб, электротехника ва турдош соҳа корхоналарига сотишга рухсат бериш мўлжалланмоқда. Юқори технологияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларни уч йил муддатга фойда ва мол-мулк солиғидан озод қилиш тақлиф этилмоқда.

Бу, жумладан, Оҳангарон мис кластерида 68 миллион долларлик, Қашқадарё, Фарғона ва Урганчда 30 миллион долларлик янги лойиҳаларга имконият очади.

Маҳсулотлар сотилиши учун ва-

зирлик ва саноат тармоқлари кесимида 15 триллион сўмлик қафолатли бозор ҳам ташкил қилинмоқда. Ижтимоий объектлар учун қайта тикланувчи энергия қурилмаларини маҳаллий корхоналардан харид қилиш тартиби ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу соҳа “яшил” иқтисодиёт, барқарор ривожланиш учун жуда муҳим эканини таъкидлади. Шу боис жойлардаги барча имкониятларни ишга солиш, тадбиркорларга инфратузилма, молия ва хомашё жиҳатдан қўшимча шароитлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Мутасаддилар буларнинг эвазига экспортни йилга 3 миллиард долларга, ишлаб чиқариш ҳажмини 50 триллион сўмга етказиш имконияти борлигини қайд этди.

Инновацияларни ўрганиб, бозорбоп маҳсулотлар яратиш, малакали муҳандис, технолог ва ўрта бўғин мутахассисларни тайёрлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

## ХАЛҚАРО ЮК ТАШУВЛАРИ ҲАЖМИНИ ИККИ БАРОБАРГА КўПАЙТИРИШ ВАЗИФАСИ КўЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев транспорт ва логистика тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Сўнгги етти йилда маҳаллий ташувчиларни қўллаб-қувватлаш натижасида юк автомобиллари сони 7 карра кўпайиб, 26 мингга етган. Уларнинг халқаро ташишдаги улуши эса 35 фоиздан 60 фоизга ошган.

Лекин дунёдаги геосиёсий вазият бу соҳада қийинчилик туғдирмоқда. Фарб йўналишида ташиш муддати 2 карра, харажати эса 1,5 баробаргача ошиб кетяпти. Айрим Европа мамлакатлари чегараларидаги ўтказиш пунктлари ёпилган, бошқаларида узоқ навбатлар юзага келган.

Шу боис транспорт-логистика тизимини изчил ривожлантириш ва ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, халқаро ва минтақавий бозорларга олиб чиқадиган мўқобил йўналишлар бўйлаб жойлашган мамлакатлар билан транзит юк ташувларни соддалаштириш ва эркинлаштириш, чегараларда ундирилмаган йиғимларни ўзаро тенглик асосида камайитириш ёки бекор қилиш чораларини қўриш керак.

Юртимизда юк жўнатувчи ва ташувчинини ўзаро боғлайдиган экспедиторлик хизматларининг асосий қисми хорижий компанияларга тўғри келади. Бу соҳада маҳаллий экспедиторларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг халқаро юк ташишдаги хизматларига қўшилган қиймат солиғи олинмайдиган бўлди. Натижада маҳаллий корхоналар улушини 45 — 50 фоизга қиқариш имконияти кўрсатиб ўтилди.

Шу каби чоралар орқали халқаро юк ташиш ҳажмини 2 карра ошириш, транспорт хизматлари экспортини камида 3 миллиард долларга етказиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ташувлар ҳажмини кўпайтириш ҳам муҳим. Бу борада яратилаётган қулайликлар натижасида мамлакатимиз сўнгги йилларда Жаҳон банкининг логистика бўйича индексида юқориламоқда. Бу транзит салоҳияти билан бирга инвестиция оқими ошишига, умуман, савдо-иқтисодий алоқалар ривожига хизмат қилади.

Мутасаддиларга электрон навбат тизимини кенг жорий этиб, чегарадан ўтиш вақтини 20 дақиқача қисқартириш, транспорт воситаларини онлайн кузатиш тизимини йўлга қўйиш орқали қўшимча юк оқимларини жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Яна бир масала — йўналишсиз такси хизматларига тегишли. Икки йил олдин жисмоний шахсларга ўзини ўзи банд қилган ҳолда таксичилик қилишига вақтинчалик рухсат берилган эди. Бунинг натижасида таксичилар сони 6 баробар ошиб, 457 мингга етди. Шу боис энди бу тартиб доимий бўлиши айтилди.

Таксиларга мижоз топшида қулай ахборот хизматлари бозори шаклланди. Хозирда 151 та агрегатор компания иш юритяпти ва бу яна ўсиб борапти. Шу боис агрегаторлар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг давлат, ҳайдовчи ва йўловчилар олдидаги мажбуриятини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

### Фикр

## ФУҚАРОЛАРИМИЗ СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИДАН РОЗИМИ?

Мамлакатимизда суғурта бозорини янада кенгайтириш ва суғурта муносабатларини ривожлантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 1 мартдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан суғуртанинг барча тури бўйича суғурта (қайта суғурта) шартномаларини ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали рўйхатдан ўтказиш ва суғурта полисларини расмийлаштириш мажбурийлиги белгиланди. Шунингдек, барча суғурта тури бўйича суғурта полисларини қоғозда расмийлаштириш амалиёти бекор қилинди.

Бу ислохотлар эса юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурта фаолияти билан қаровини кенгайтиришга имкониятлар яратди.

Айтиш лозимки, амалдаги қонунчиликда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органи мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ судларда қўриладиган ишлар юзасидан давлат боҳини тўлашдан озод этилган.

Бироқ бу имтиёзлар истеъмолчилар,

яъни суғурта қилдирувчилар (суғурталанган шахслар, наф олувчилар, жабрланувчилар) учун белгиланмаганлиги уларнинг суғурта фаолиятига ишончи пасайишига олиб келмоқда. Оқибатда суғурта қилдирувчилар мажбурий суғурта шартномаларидан келиб чиқадиган даъволар билан судларга мурожаат этганда улардан давлат божи ундирилиши қўшимча молиявий харажатларга сабаб бўлмоқда.

Умуман, суғурта бозорини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга қарамасдан бугунги кунда фуқароларимиз суғурта компанияларини фаолиятидан тўлиқ қониқиб ҳосил қилмоқда, деб бўлмайди. Буни фақат 2023 йилда мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта компанияларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб қарийб 2 мингга яқин мурожаатлар тушгани ҳам кўрсатиб турибди.



### Давлат дастури лойиҳаси — муҳокамада

## АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Яқинда 2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга оширилмайдиган ишларга оид давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Дастур лойиҳасида давлатимиз ривожланишининг устувор ёндашувлари, тармоқ ва соҳаларнинг уйғун “яшил” трансформациясини амалга ошириш, рақобатбардошлиги ҳамда ресурс тежамкорлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш, аҳолининг яшаш сифатини яхшилаш ҳамда иқтисодий ўсишнинг янги “яшил ривожланиш” моделига ўтишнинг самарали йўналишлари белгилаб берилган.

Иқлим ўзгариши шароитида сув ресурслари тобора қисқариши мамлакатимиз учун ҳам долзарб муаммага айланиб бормоқда. Дастур лойиҳасида ёмғир ва оқова сувлардан самарали фойдаланиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланмоқда. Хусусан, янги қуриладиган кўп хонадонли уй-жойларга таш ҳудудларда ёмғир сувини йиғиш, сақлаш ва дарахларни сугоришда фойдаланиш тизимининг йўлга қўйилиши орқали ҳудуддаги яшилликни таъминлаш мумкин бўлади.

Маълумотларга кўра Ўзбекистон шароитида уй ва бино-иншоотлар томла-

ридан тушган ёмғир сувини мослаштирилган сақлагичларда йиғиш бир квадрат метр том сатҳидан ўрта ҳисобда 186 литрда. Дастур лойиҳасида ёмғир сувини тўплаш имконини беради.

Ийрик шаҳарларда атмосфера ҳавосининг ёмонлашуви бугунги кундаги долзарб экологик муаммага айланиб бормоқда. Бу борада ҳам дастур лойиҳасида муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Шу йил 1 майдан бошлаб, Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида аҳоли саломадлиги ва атмосфера ҳавоси учун хавф туғдирмайдиган асбест, цемент

ишлаб чиқариш, шлам ва шлаклар, тери-кўнчилик, паррандачилик фабрикалари, самарадорлиги юқори бўлган чанг-газ тозалаш иншоотлари билан жиҳозланмаган ҳар қандай турдаги кўмир ёқиб, қора ва рангли металлургия заводлари, таркибида захарли аралашмалар бўлган ойна, захарли кимёвий моддалар билан ишлаш, хавфлилик даражасининг I ва II синфига мансуб қичқиндиларни қайта ишлаш ва ёқиб қорхоналари каби янги лойиҳалар тақиқланиши назарда тутилмоқда.



Мушоҳада

## БАРҚАРОР ТУРИЗМ

Замонавий талабларга мос ечимлар зарур

Бугунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотига кўра дунёда 200 миллионга яқин киши туризм соҳасида меҳнат қилмоқда. Ундан тушадиган даромад 1 триллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Туристлар сони ҳар йили 4-5 фоиз кўпайиб, бошқа давлатларга сафар қилувчилар сони 1 миллиарддан ошди. Қолаверса, ҳозир сайёрамизда яратилаётган ҳар 10 иш ўринининг биттаси айнан туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кўриниб турибдики, туризм жаҳон миқёсида етакчи тармоқлардан бирига айланган.

### Меҳмондўстлик борасида натижалар қандай?

Бугунги кунда Ўзбекистонга туристик мақсадларга келган чет эл фуқароларининг сони муттасил ўсиб бораёттир. Статистика агентлиги маълумотларига кўра ўтган йилнинг 10 ойида хорижий туристларнинг сони қарийб 6,5 млн. нафарга етган. Бу кўрсаткич 2023 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 951,3 минг нафар ёки 17,2 фоизга ошганига гувоҳ бўламиз. Чет эллик сайёҳларнинг Ўзбекистонга келиши келажақда бундан-да кўпайиши кўзда тутиляпти.



### Ёшлар сиёсати

## ДАВЛАТНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ ВА БЕБАҲО КАПИТАЛИ

Ўзбекистон — ёшлар мамлакатидир. Зеро, юртимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини навқирон авлод вакиллари ташкил этади. Бу кўрсаткич дунё бўйича ҳам муттасил ўсмоқда.

БМТнинг “Ёшлар — 2030” стратегиясида умумба-шарий таҳдидларга қарши самарали курашишда йи-гит-қизларнинг билим ва салоҳияти ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкинлиги таъкидланган. Халқаро экспертларнинг фикрига кўра ривожланган давлатларнинг аксариятида кексалар сони кўпайиб, демографик инкирор хавфи ортиб бораётгани, яъни аҳолининг қариши барча соҳада кадрлар етишмаслигига олиб келиши тахмин қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек халқи азалдан фарзанд тарбиясига кечиктириб бўлмас ҳаёт-мамонт масаласи сифатида қараган. “Бир болага етти маҳалла ота-она”, деган ҳикमत замирида ҳам ана шундай юксак масъулият, эътибор ва ғамхўрлик ётади. Элининг қадриятлари билан бўй қўзган ўғил-қиз борки, улусга ён босади, ёвга қалқон, оиласига меҳрибон, эътиқоди мустаҳкам миллат ҳимоя-чисига айланади.

Демак, миллат фарзандларининг дунёқарашини, салоҳиятини юзага келадиган ҳар қандай бўшлиқ ва қусурлар шу юртининг маънавий мероси, муқаддас аънаналари билан даволаниши, соғломлаштирилиши зарур.



### Миллий армия:

## МУҚАДДАС БУРЧ ВА ЮРТГА СОДИҚЛИК ШАРАФИ

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Дунёда энг бебаҳо бойлик — тинчлик ва осойишталик. У бўлмаса, инсонга ҳеч нарса татимаيد. Бугун озод ва обод юртимизда хотиржам ҳаёт ҳукмрон. Шундай дориламон кунларда оиламиз даврасида осуда, фаровон турмуш кечиришимизда мард, жасур аскар ва офицерларимизнинг хизматлари беқиёс.



Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари мамлакат ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлаш, айниқса, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда гоят муҳим ўрин тутди. Кейинги йилларда эса миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт та-

янчи ва суянчига айланди. Мамлакатимизда амалга оширилган туб ислохотлар туфайли тарихан қисқа даврда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган тезкор ва ихчам миллий армия ташкил этилди.



# ФУҚАРОЛАРИМИЗ СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИДАН РОЗИМИ?

Этибор берилса, бу ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб мутасадди ташкилотларга мурожаат этган фуқаролар сони ҳолос. Наҳақ чиқишига ишонмасдан, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилмаган фуқароларимиз сони қанча экан?

Бундан ташқари, мажбурий суғурта турларидан бири — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси бўйича суғурталанган ходим иш жойида вафот этганда моддий зарар миқдори суғурта компаниялари томонидан тўлаб берилиши лозим. Агар ушбу сумма тўлаб берилмаган тақдирда марҳумнинг оила аъзолари фуқаролик судига даъво аризасини киритса, давлат божини тўлаши керак бўлади.

Энди тасаввур этиб кўрайлик, боқувчисини йўқотганлиги учун қийналиб яшаётган оила, қандай қилиб судга даъво аризасини киритиш учун бир неча миллион сўмлик давлат божини тўлашга имконият топа олади? Энг ачинарлиси, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини белгилловчи суғурта шартномалари бўйича суғурта компаниялари томонидан суғурта пулларини тўлаш рад этилганлиги ёки ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги юзасидан фақат 2023 йилда мутасадди ташкилотларга 100 га яқин мурожаатлар бўлган. Ёки Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг Суғурта бозорини ривожлантириш департаментига 2023 йилда 1,6 мингдан ортиқ мурожаатлар транспорт воситалари эгалари томонидан тушган. Уларда фуқаролар транспорт воситалари мажбурий суғурта қилинган бўлса-да, суғурта

пуллари тўлаб берилмаётганидан норозилик билдиришган.

Агар ушбу фуқаролар суғурта суммасини 100 фоиз ундириш учун фуқаролик судларига мурожаат этишса, жами 2,6 млрд. сўм давлат божини тўлаши керак бўлади. Бу ҳар бир фуқаро тахминан 1 млн. 600 минг сўмдан давлат божини тўлаши тақозо этилади дегани. Аммо киритилган даво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилмаса, фуқаро ўз чўнтагидан 1 млн. 600 минг сўм тўлаши оилавий бюджетига зарар бўлишини ўйлаб, аксарият ҳолларда судга даъво аризасини киритмайди.

Сенатнинг иккинчи ялпи мажлисида маъқулланган “Давлат божини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун билан фуқаролар суғурта суммасини ундириш учун суд органларига мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилмоқда.

Қонун давлатимиз раҳбарига имзолаш учун юборилди.

Ушбу қонун кучга кирганидан сўнг фуқароларимиз молиявий тарафини ўйламасдан, кўрқмасдан суд органларига мурожаат қилиб ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишлари мумкин бўлади, бу эса суғурта компанияларининг масъулияти янада ошишига хизмат қилади.

**Кутбиддин БУРҲОНОВ,**  
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси раиси.**

# Миллий армия:

# МУҚАДДАС БУРЧ ВА ЮРТГА СОДИҚЛИК ШАРАФИ

Бугунги кунда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида эришайтган барча ютуқ ва марраларда Қуролли Кучларимиз ва уларнинг сафарларида ўз вазифасини сидқидилдан адо қилаётган минг-минглаб ҳарбийларимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Президентимиз ташаббуси билан “Миллий армиямиз — бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз” тамойили асосида ҳудудларда мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг бирлигини таъминлаш мақсадида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур секторлар армия билан маҳаллий ҳокимият ўртасидаги алоқаларни мустақамловчи, ҳудудий мудофаа масалаларини ечишда муҳим орган бўлиб хизмат қилмоқда.

Аёнки, Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнида энг жиддий муаммолардан бири — бу кадрлар масаласи. Шу боис ҳарбий олий таълим муассасалари фаолиятида кадрларни илгор технологиялар асосида тайёрлаш бўйича янги тизим жорий қилинди. Бир қатор янги олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳарбий хизматда салоҳияти етарли, аҳди қатъий, шижоатли, мард ва жасур Ватан ҳимоячиларини тайёрлашга киришилди. Бу орқали ёшлар ўртасида ҳарбий хизматга қизиқиш ва интилиш янада кучайди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тайёрлаш мақсадида “Халқ ва армия — бир тану бир жон” тамойили асосида ҳарбий қисмларнинг эшиклари жамоатчилик, айниқса, ёшлар учун кенг очиб берилди. Бундай сай-ҳаракат ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш баробарида ёшларда миллий армиямиздан фахрлиниш туйғуси ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳи ортишига хизмат қилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 15 ноябрдаги “Ўқувчи-ёшларни қақиривга қадар бошланғич тайёрлаш тизимини янги бошқаруш олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш, улар онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш зарурлигини чуқур сингдиришга хизмат қилмоқда, десак, янглишмаймиз.

Бир пайтлар аксарият ота-оналар фарзандларини аскарликдан олиб қолишга уринган бўлса, бугун улар “Менинг ўғлим ҳам Қуролли Кучлар сафида хизмат қилсин”, деб юксак ишонч ва фахр туйғуси билан армияга жўнатмоқда. Ҳозир йигитларимиз учун ҳарбий соҳада хизмат, нафақат фахрли бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланди. Армия сафига хизматга келган ёшларимиз бу ерда фақат ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан чекланаётгани йўқ. Ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқиб, қатъий иродага ва ҳаётий позицияга эга бўлмоқда.

Қуролли Кучлар тизимида амалга ошириляётган туб ислохотларда “Инсон қадр



уҳун” деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилмоқда. Соҳада олиб бориляётган сай-ҳаракатлар ёшлар қалбига армия билан фахрлиниш туйғуси, Ватан ҳимоячисидек олийжаноб касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилаётди.

Илгари узоқ ҳарбий қисмларда хизмат қилиш, гарнизонма-гарнизон кўчиб юриш, хизматнинг машаққатларига чидаш нафақат ҳарбий хизматчидан, балки унинг оила-сидан ҳам катта сабр-бардошни талаб этарди. Шу боис Президентимиз ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида этибор қаратмоқда. Бунинг ҳарбий қисм ва полигонлардаги инфратузилма, аскар ва офицерларнинг шароитлари яхшилангани, айниқса, сўнгги саккиз йилда 10 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчилар имтиёзли кредит асосида уй-жой билан таъминлангани ҳам яқин тасдиқлаб турибди.

Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари учун қўшимча равишда иш ўринлари яратилди. Кўпглаб ҳарбий пенсионерлар ишга жойлаштирилди. Мудофаа тизимининг жанговар салоҳиятини ошириш бўйича муайян ишлар қилиниб, ҳарбий бошқарув тизими деярли янгидан барпо этилди.

Ўтган давр мобайнида Қуролли Кучлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан фуқаролик ва парламент назоратини кучайтириш бўйича ташкилий-юридик механизмлар жорий этилди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва унинг масъул қўмитаси томонидан ҳарбий қурилиш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш, жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга оид долзарб масалалар юзасидан кўз тузилмалари раҳбарларининг ахборотларини тизимли асосда эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Масалан, парламент назорати тадбирлари доирасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қақиривга қадар бошла-

нғич тайёргарлик фани ўқитилиши, ҳарбий хизматга қақирилаётган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигини яхшилаш, бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ва бошқа долзарб масалалар юзасидан ўрганиш ва эшитувлар ўтказилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида бу борадаги ишлар янада кучайиб, янги босқичга кўтарилади. Мудофаа қўбилиятини мустақамлаш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техникалар билан таъминлаш, бўлинмаларни бошқаришда ахборот технологияларини кенг қўллаш, жанговар тайёргарлик ва касбий маҳоратини ошириш — энг устувор вазифалардан бўлиб қолади.

Бугунги кунда кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури лойиҳасида ҳам аҳоли ва ёшлар ўртасида ватанпарварлик тарбияси ҳамда тарғиботини янада кучайтириш, Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш ва тарбиялаш тизимини ривожлантириш устувор вазифа сифатида ўрин олгани эътиборга молик.

Шунингдек, ҳарбий-тиббий муассасаларнинг инфратузилмаси ва моддий-техника базасини такомиллаштириш, уларни замонавий тиббий апаратылар ва техникалар билан босқичма-босқич таъминлашдек муҳим вазифалар акс этмоқда.

Албатта, буларнинг барчаси ёшларимиз қалбига армиямиз билан фахрлиниш туйғуси, Ватан ҳимоячисидек олийжаноб касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Шерзод ҚУЛМАТОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси.**

# АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг саломатлигини яхшилаш, экологик турмуш тарзини шакллантириш ва инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш масалалари ҳам ҳужжат лойиҳасида алоҳида ўрин олган.

Бу борада аҳолининг қундалик ҳаётига экологик тамойилларни сингдириш орқали мамлакатимизда “Экофаол фуқаро” ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Бир миллион “яшил” оила” умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилиши, бунда аҳоли орасида қунлик юриш ва югуришни тарғиб қилиш, “яшил” транспортда, жумладан, велосипедда ҳаракатланишни рағбатлантириш каби чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

“Бир миллион “яшил” оила” умуммиллий ҳаракати доирасидаги платформа бир сутка давомида камида ўн минг қадам юришни тарғиб қилиш, бу кўрсаткичга эришганларга “Экофаол фуқаро” мақомини бериш ҳамда жор учун давлат хизматларидан фойдаланишда 10 фоиз чегирма ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган банкларда истеъмол кредитини олишда чегирма тақдим этиш, оиланинг барча вояга етган аъзолари

“Экофаол фуқаро” мақомини олганда, ушбу оилага “яшил оила” мақомини бериш ҳамда уларга ҳар йили лотерея орқали 14 та электромобил бериш каби имтиёзларни назарда тутди.

Сир эмаски, пластик пакетлардан фойдаланиб бўлингандан сўнг у чикиндига айланади. Тўпланган пластик пакетлар атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга уларнинг парчаланиши учун юз йиллаб вақт талаб этилади. Дастур лойиҳасида 2027 йилдан бошлаб пластик пакетларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва улардан фойдаланишни тақиқлаш ҳамда экологик жиҳатдан зарарсиз (биопарчаланувчи) пакетлардан фойдаланишни рағбатлантириш чоралари кўзда тутилган.

Шу билан бирга, чикиндилар соҳасини тартибга солувчи, қабул қилинганга 20 йилдан ошган, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган “Чикиндилар тўғрисида”ги Қонунни янги таҳрирда, атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш тамойилларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Дастур лойиҳасида белгиланган “Атроф-муҳит мониторингини

тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши атроф-муҳит ифлосланиш даражасини реал вақт режимида аниқлаш, унинг экологик ҳолатини баҳолаш бўйича фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, атроф-муҳит мониторингини тизимли такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш, салбий таъсир юзага келишини прогнозлаштириш, табиий ресурслардан фойдаланишни тизимли равишда кучлатиш, аҳолини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Биз, депутатлар Президентимиз Фармони ҳамда муҳокама учун тақдим этилган давлат дастури лойиҳаларида белгиланган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаган ҳолда келгусида ҳар бир вазифа ижросида фаол иштирок этишга бел болаганмиз. Айни йўналишдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, юртимизда “яшил” ҳаётга ҳуқуқий асос бўлувчи қонунларни қабул қилиш, парламент ва депутатлик назоратини фаол амалга ошириш асосий вазифамизга айланади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ДАВЛАТНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИ ВА БЕБАҲО КАПИТАЛИ

Мамлакатимизда навқирон авлодга ҳал қилувчи куч, давлатнинг бебаҳо бойлиги сифатида қаралаётгани, бу, айниқса, ёшларга оид давлат сиёсатининг амалдаги ифода-сида кўзга яққол ташланаётганини барчамиз ҳис этиб турибмиз.

Кейинги йилларда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳам янада мустақамланди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида илб имзолаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни бўлди.

Кайд этиш жоизки, сўнгги етти йилда ёшларга оид юздан зиёд қонунлар ва қарорлар қабул қилиниб, мамлакатимиз ўғил-қизлари учун қўллаб-имтиёзлар жорий этилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам ёшлар масаласига алоҳида ўрин берилган.

Мазкур стратегияга ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ишсизлик даражасини камайтириш ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида қатор устувор йўналишлар белгиланган бўлиб, “2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастури доирасида ушбу вазифалар изчил амалга оширилди.

Хусусан, 2024 йилнинг бошида ўтказилган Ҳавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва фаолият на-

тижадорлигини ошириш мақсадида ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларига республика миқёсида 4 миллион йигит-қизини оталиққа олиш тизими жорий этилди.

“Оталиққа олиш” шунчаки тор маънодаги сўз эмас. Тарихан ота-боболаримиз фарзанд тарбиясида ҳам маънан, ҳам жисмонан масъуллиқни ўз зиммаларига олганки, бу давомий жараён сифатида ниҳолнинг дарахтга айланиши ва ҳосил беришига менгзалади.

Ёшлар билан ишлаш йўналишидаги ушбу муҳим вазифани бажаришда айнан ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органлари масъул этиб белгиланишидан кўзланган мақсад Ўзбекистоннинг эртанги кунни ҳисобланувчи ёшларда ватанпарварлик, жамият ҳаётига дахлдорлик ҳамда қонунга ҳурмат каби эзгу туйғуларни шакллантиришга стратегик ва тактик масала сифатида алоҳида эътибор қаратишдан иборат.

Янги тизим ёшлар, айниқса, уюшмаган тоифадаги йигит-қизлар ўртасида самарали профилактик ишларни амалга ошириш, уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, соғлом турмуш тарзида ҳаёт кечирishiга кўмаклашиш, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий саводхонлигини ҳамда қонунга итоаткорлик ҳиссини ошириш, ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишда ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа органларининг тизимли иш ташкил қилиши тақозо этди.

Айтиш керакки, оталиққа олинган

ёшларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар, барча ҳудудда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилаётгани яхши самара бермоқда. Шу билан бирга, масъул идоралар билан ҳамкорликда “Тарбияси оғир, қийин шароитдаги ёшлар билан янгича ишлаш тизимини жорий қилиш, ёшлар муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш”, “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёт гоғлар таъсиридан химоя қилиш ҳамда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш”, “Ёшларни касбга йўналтириш, ҳарбий ҳаёт билан яқиндан таништириш ҳамда фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга доир билим ва кўникмаларини

“... эришиляётган ижобий натижаларда юртимизда ёш авлодни тарбиялашга давлат сиёсати даражасида қаралаётгани, бу борада мамлакат раҳбаридан бошлаб барча вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик вакиллари ўз ҳиссасини қўшиб келаяётгани асосий омил бўлмоқда.”

мустақамлаш” каби учта йўналиш белгилаб олинди, бу йўлда ҳам залварли қадамлар ташланмоқда.

Юртбошимизнинг биз, ҳарбийларга берган топшириқларини шараф билан қабул қилиб, унинг ижросини таъминлаш учун барча имконият ва куч воситалари сафарбар этиляётди.

Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий тузилмаларида ташкил қилинган штабларга Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 222 на-

фар ҳарбий хизматчиси йўналтирилди. Жами 1 097 та маҳаллага 1 минг 161 ҳарбий хизматчи нома-ном масъул қилинди.

Асосий эътибор оғир, жиноятга мойил ва ишсиз ёшлар билан ишлашга, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш, ҳаётда ўз йўлини топишга кўмаклашиш, она Ватанга садоқат ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига қаратилди.

Ёшлар билан ишлаш жараёнида улар орасида ҳарбий соҳани ўрганиш, хусусан, кўтарувчилик касбини эгаллашга қизиқиши бўлган ёшлар учун вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказларида 5 кунлик (30 соат) “Фав-

қулодда вазиятларнинг олдини олиш тарғиботчиси” ўқув курслари ташкил этилди. Бугунги кунга қадар 12 минг 854 нафар ёш ўқитилди ва уларга тегишли сертификатлар берилди.

Ушбу ўқув курсини битириб, муайян билим ва кўникмаларни ижобий ўзлаштирган ёшлар орасидан “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш тарғиботчиси” кўнгилли гуруҳлари тuzилди. Мазкур гуруҳлар 2024 йил давомида оталиққа олган офицерлар би-

лан бирга “Чоршанба — Фавқулодда вазиятлар профилактикаси кунини”, кўмондонлик-штаб ва махсус-тактик ўқув машқларига, шунингдек, кўтарувчиликнинг ўқув йиғинларида бевосита иштирок этиб келди.

Шижоатли ва матонатли ёшлар орасидан кўтарувчилик касбини эгаллашга қарор қилган бир гуруҳ номзодлар шаклланди ҳамда улар белгиланган синновлардан ўтиб, жами 121 нафар ёш ишга қабул қилинди. Шунингдек, оталиққа олинган ёшлар орасидан 9 нафари Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси, 5 нафари эса вазирлик академияси курсанти бўлишга эришди. 237 нафар ёш махсус-муҳандислик қурилиш бошқармасида муддатли ҳарбий хизматга ўтасига қақирилди.

Бундан ташқари, ёшлар учун меҳнат ярмаркалари, ўқув курслари, “Ватанга содиқ ёшлар” ҳарбий-ватанпарварлик ўқув йиғинлари, “Фавқулодда вазиятлар вазири кубоги” спорт мусобақалари, маънавий-маърифий учрашувлар, очиқ мулоқотлар ва давра суҳбатлари мунтазам уюштириб борилади.

Оталиққа олинган йигит-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, шарафли “Кўтарувчилик” касбига қизиқтириш ва бўш вақтини мазмунли ўтказишига йўналтирилган спорт мусобақалари ва кўрик-танловлар уюштириш ҳам юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

Шу ўринда айтиш жоизки, эришиляётган ижобий натижаларда юртимизда ёш авлодни тарбиялашга давлат сиёсати даражасида қаралаётгани, бу борада мамлакат раҳбаридан бошлаб барча вазирлик ва идоралар, кенг жамоатчилик вакиллари ўз ҳиссасини қўшиб келаяётгани асосий омил бўлмоқда.

Ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илгор инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун мамлакатимизда бор куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Чунки ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади.

Бундан кўринадики, амалга ошириляётган ишлар салмоғи катта ва улар кун сайин ўсиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ватанпарварлик халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. У меҳроқибат, Ватан тақдирини кучайтириш, ташвиш ҳамда фалокатларда ҳамдардлиқ каби ахлоқий фазилатлар сирасига қиради. Айниқса, ҳарбий-ватанпарварлик умумхалқ, умуммиллий юртпарварликнинг алоҳида кўриниши ва ажралмас бўлагидир.

**Ҳурийд АЛИБОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири ўринбосари, полковник.**

# «Е-КОН»: ДАСТУРИЙ ПЛАТФОРМА ИМКОНИЯТЛАРИ

Дилшод Чориев Газли нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси тизимида ишлайди, муҳандис-оператор. Тўрт йиллик иш тажрибасига эга. Одатда бу касбадагилар бийдагилар, қум барханлари бағрида очилган конларда меҳнат қилади. Дилшод ҳам бундан истисно эмас.

## Янги қувватлар

— Биз учун махсус ишчилар шарҳаси барпо этилган, — дейди асли жондорлик бўлган йигит. — Шарт-шароитлар кўнгилдагидек. Ишга келсак, эндиликда аввалгидек, ортиқча овозагарчиликларга ҳождат қолмади. Илгари у ёки бу қудуқ ҳолатини аниқлаш учун бир-икки кун вақт сарфлардик. Агар Газлидаги ҳар бир қудуқдан иккинчиси ўнлаб километр масофа ажратиб туриши назарда тутилса, бу оддий иш эмас. Биргина автотранспорт харажати га қанчадан-қанча маблағ сарфлашга тўғри келарди. «Ўзбекнефтгаз» АЖ тасарруфидаги конлардан табиий газ қазиб чиқариш жараёнини рақамлаштириш доирасида «Е-кон» лойиҳасини амалга оширишга киришилди-ю, бу муаммо кун тартибидан тушди. — Шу лойиҳанинг 2023-2024 йилларга мўлжалланган дастлабки

босқичига кўра 23 та конимиздаги 257 та қудуққа 770 тадан зиёд босим ва ҳарорат ўлчов воситалари ўрнатилди, — дейди Газли нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси бошлиги Жасур Аҳмедов. — Шунингдек, қудуқлардан маълумотларни онлайн тарзда олиб туриш учун конларда алоқа воситалари ишга туширилди. Бу қудуқлар иш режими «Е-кон» дастурий платформасида масофадан туриб кечаю кундуқ назорат қилиш имконини яратди. Рақамлаштириш натижасида қудуқларни ишлатиш билан боғлиқ жараёнга сарф этиладиган вақт кескин қисқарди. Уларнинг барқарор ишлаши учун тезкор қарорлар қабул қилиш имкони юзага келди. Негаки, оператор-муҳандислар мавжуд қудуқлардан қанча газ қазиб олинаётгани, қандай муаммо туғилганидан ўша лаҳзанинг ўзидаёқ хабардор бўлади, жараён

ни назорат ва таҳлил қилиб боради. Бошқармадаги конларда 14 та шундай қурилмани ишга тушириш режалаштирилган. Ҳозирги кунда газни тайёрлаш қурилмаларининг 10 тасида ишлар якунланди. Бунга «Учқир» қонида амалга оширилган юмушларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Қонда умумий қудуқ қуввати 2,5 миллион кубометр бўлган учта газ тайёрлаш қурилмаси ишга туширилди. Этиборлиси, барчаси маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан бажарилди. Чунончи, лойиҳалаш «ЎЗЛИТИ-нефтгаз» АЖ жамоаси, сепаратор, дегазатор ва бошқа технологик жиҳозларни етказиш «Ўзбекимёмас заводи» АЖ томонидан амалга оширилди. — «Учқир» қони 1960 йилда очилган, — дейди бошқарма бош муҳандиси Ғайрат Темиров. — Қонда ҳозирги кунда ишлатилаётган 29 та қудуқдан қазиб чиқарилаётган табиий газ махсус қурилмаларда дастлабки тарзда тайёрланмоқда. Яъни унинг таркибидеги суюқликлар ва механик аралашмалар ажратиб олинапти. Шундан сўнг Газли газни қайта иш-



лаш заводига йўналтирилмоқда. Бундай қурилмаларнинг ишга туширилиши қувурлардаги гидравлик қаршиликларни бартараф этиш, шунинг эвазига конларда қазиб чиқариш барқарорлигини таъминлаш, табиий газнинг тезкор ҳисобини юритиш имкониятини яратяпти. Қондаги иш жараёнларини кузатар экансиз, уйимизга беминнат етказилаётган «зангори олов» қанчадан-қанча ишчи-ҳодимларнинг қишнинг соғуғи ёзнинг жазирамаси демай қилаётган машаққатли меҳнати маҳсули эканини ҳис эта-сиз. Бинобарин, табиий газдан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш қайсибир маънода оғир меҳ-

натинг кадр қимматиға етиши ҳам аналтади. Дарвоқе, яқинда «Ўзбекнефтгаз» АЖ томонидан Газли нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасига пресс-тур ташкил этилди. Унда журналистлар Газли нефтни қайта ишлаш заводида куз-қиш мавсумига тайёргарлик якуни ва корхона иш фаолияти билан танишди. Шунингдек, «Ўзбекнефтгаз» АЖда 2024 йилнинг ўтган тўққиз ойида коррупцияга қарши кураш доирасида амалга оширилган ишларга оид «Очиқ эшиклар кўни» ҳам ўтказилди. «Е-кон» лойиҳасига келсак, ўтган йилда «Ўзбекнефтгаз» АЖга қарашли 1400 дан ортиқ қудуққа масофадан туриб маълумот олиш имконини берадиган воситалар ўрнатилди. Ҳозир лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга ошириш бўйича ишлар олиб бориламоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

### ТАФСИЛОТЛАР

#### Инновацион тафаккур намоёиши

Пойтахтимиздаги Аджу университетиде 7-8 январь кунлари мактаб ва лицей битирувчи ўқувчилари ўртасида «Келажак муҳандиси» халқаро олимпиадаси бўлиб ўтди.



Унда республикамиздан 500 га яқин иқтидорли ўқувчилар ўзларининг ёрқин лойиҳалари билан қатнашиб, ақл-заковати, ижодкорлиги ва инновацион тафаккурини намоёиш этди. Хусусан, ёш архитекторлар томонидан қозғандан яратилган архитектура макетлари кўриб чиқилди. Келажак муҳандислари сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда мураккаб қурилиш конструкциясини лойиҳалари ва макетини бунёд қилди. Бўлажак компьютер мутахассислари мураккаб IT вазифаларини бажарди ҳамда скриптлар ва иловалар яратди. Қатнашчиларнинг ижодий ишланмалари Жанубий корейлик профессор ва етакчи мутахассислардан ташкил толган ҳакамлар хайъати томонидан баҳоланди. Голиб бўлган 28 нафар ўқувчи Тошкент шаҳридаги Аджу университетига имтиёзли шартнома асосида кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги сертификатлар топширилди.

Қатнашчиларнинг ижодий ишланмалари Жанубий корейлик профессор ва етакчи мутахассислардан ташкил толган ҳакамлар хайъати томонидан баҳоланди. Голиб бўлган 28 нафар ўқувчи Тошкент шаҳридаги Аджу университетига имтиёзли шартнома асосида кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги сертификатлар топширилди.

#### Ноёб асар Ўзбекистонга тақдим этилди

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига буюк олим Али Қўшчининг ўғли Қози Абдурахмон қаламига мансуб «Равнақ-ул бўстон» асарининг факсимиле нусхаси олиб келинди.

Мазкур асарнинг асл нусхаси Аё София кутубхонасида сақланмоқда. 2000 йил Анкарада нашр қилинган китоб сўнггида асл нусхасининг факсимилеси ҳам илова қилинган. Китоб марказга Истанбул университети профессори Эмек Ушенмез томонидан тақдим этилди. «Равнақ-ул бўстон» боғдорчиликка бағишланган бўлиб, унда меваларни етиштириш, сақлаш ва ниҳолларни парвартириш бўйича қimmatли тавсиялар берилган. Жорий йилда мазкур асарни ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда факсимиле нусхаси билан бирга нашр этиш режалаштирилган.



«Халқ сўзи».

### Маҳалла банкирлари ўз фаолиятини бошлади

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига кўра маҳалла банкирлари лавозими Тошкент вилоятида ҳам жорий қилинди.

#### Бандлик

Бугунги кунда вилоятдаги банклар томонидан 264 та маҳалла банкири штати очилди. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада улар билан бирга ишлайдиган ёрдамчи-агентлар ҳам танлаб олинмоқда. Маҳалла банкирлари, аввало, ҳудуднинг бизнес имкониятларини ўрганган, фуқаролар билан суҳбатлашиб, уларнинг ёғларини лойиҳаларга айлантиришда ёрдам қилади.

Аҳолига кредит олиш, уни қайтариш, бизнес юритиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларини сотишни ўргатади. Маълумот учун, 2025 йилда вилоятда 350 мингдан зиёд аҳолини банклар орқали банд қилиш режалаштирилган. Шу мақсадда йигирмадан ортиқ туман ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда банклар раҳбарлари ўртасида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

### Чиниқиш ва мардлик мактаби

«Шунқорлар», бу — ҳарбий-спорт мусобақалари ва кўрик-танловларни ўз ичига олган кенг қўламли спартакиада.

#### Тадбир

Пойтахтимизда ушбу спартакиадани оқори савияда ўтказиш бўйича Республика ишчи гуруҳининг биринчи йилгилиши бўлиб ўтди. Тадбирда мусобақани янги босқичга олиб чиқиш, шафқатли, жишонан ва шахсан ривожланишни истовчи ёшлар қамровини кенгайтиришга

тааллуқли масалалар муҳокама қилинди. Спартакиада Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар ва Адлия вазирликлари, Олий суд, Миллий гвардия, ДХХ Чегара қўшинлари, «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

«Халқ сўзи».

## ИЛК БОР ГИДРОТЎПЛОВЧИ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАР ҚУРИЛАДИ

Дунё миқёсида энергетика йўналишида йилдан-йилга «яшил» энергия манбаларига алоҳида урғу берилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам қайта тикланувчи энергия манбалари (қуёш, шамол, гидроэнергия)ни ривожлантириш, ушбу йўналишдаги қувватлар ҳажмини истиқболли лойиҳалар орқали оширишга эътибор қаратилаётган. Бу борада мослашувчан энерготаяминот тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантириш устувор аҳамиятга эга.

#### Энергетика

Айтиш жоизки, «Ўзбекгидроэнерго» АЖ томонидан янги ГЭСлар лойиҳалари билан бир қаторда, юртимизда мутлақо янги йўналишда — гидротўпловчи электр станциялар (ГТЭС)ни барпо этиш режалаштирилган. Мамлакат энергетика соҳаси ривож учун муҳим бўлган лойиҳаларни халқаро стандартлар ва хавфсизлик мезонларини қўлаган ҳолда амалга ошириш мақсадида АЖ бошқаруви раиси Абдуғани Сангинов бошчилигидаги делегация жаҳонда ГТЭСлар қуриш бўйича юқори тажрибага эга бўлган Хитойнинг қатор нуфузли компанияларига ташриф буюрди. Ушбу ташрифлар давомида давлатимизда ростловчи қувватлар барпо этиш юзасида «China Southern Grid» ва «Huapeng» компанияларининг биринчи раҳбарлари билан тор доирада музокаралар олиб борилад ҳамда истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш бўйича фикр алмашилди. Хитой компаниялари вакиллари билан юртимизда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида «Юқори Поксом ГТЭС қурилиши» ва «Хўжакент GT қурилиши» инвестиция лойиҳаларини ҳам-

корликда ривожлантиришга қаратилган ишлар таҳлил қилинди. Таъкидлаш керакки, қурилиши режалаштирилган ГТЭС лойиҳалари Маркис Осиедаги илк тажриба ҳисобланади. Бу ҳам юртимизнинг ушбу соҳадаги ўзига хос ютуқларидан бири, десак, айни ҳақиқат. — Гидротўпловчи электр станцияси (насосли аккумуляцияловчи электр станция) — ишлаш тарзи бошқа электр станциялардан олинандиган электр энергияни сувнинг потенциал энергиясига айлантириб (аккумуляциялаб), кейин зарур бўлганда уни қайта электр-энергияга ўтказиб, энергия тизимиға берадиган гидроэлектр станциядир, — дейди «Ўзбекгидроэнерго» АЖ Истиқболли ривожлантириш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиги Авазбек Зокиров. — ГТЭСнинг гидротехника иншоотлари, асосан, бандан-паст жойлашган икки та сув ҳовзидан ва бириктириш қувурларидан иборат. Унинг биносидеги гидроагрегатлар уч ёки икки машинали бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда битта валга электр машина (двигатель-генератор), гидротурбина ва насос,

иккинчи ҳолда эса электр машина ва гидромашина ўрнатилади. Гидромашина айлиниш йўналишиға қараб ҳам насос, ҳам турбина сифатида ишлайди. Янги қурилаётган гидротўпловчи электр станцияларга иқтисодий жиҳатдан тежамли бўлган икки машинали агрегатлар ўрнатилади. Бу лойиҳанинг яна кўпга қўлайликлари мавжуд. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа объектлари сифатли ҳамда узлуқсиз электр энергия билан таъминланишиға замин яратилади. Қолаверса, гидротўпловчи электр станцияларнинг ишга туширилиши истеъмолнинг энг юқори юклама пайтида, айниқса, совуқ ва иссиқ мавсумларда содир бўладиган узлишларнинг олдини олишға катта ҳисса қўшади. Бугунги кунда ўсиб бораётган аҳоли-мизни ҳисобга олган ҳолда, энергия истеъмолнинг тобора ортиб боришида юзага келаётган электр энергияси муаммоларига ижобий ечим бўлади. Дарвоқе, мазкур лойиҳалар қурилиши ҳамда эксплуатация даврида қарийб 1,5 минг аҳоли доимий ҳамда мавсумий иш билан таъминланади. Мавжуд гидроэнергетик салоҳият ҳажми янада ортади ҳамда кўзда тутилган янги истиқболли лойиҳалар ижроси орқали тоза ва арзон электр энергия манбаини ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошишиға эришилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

## Рақамли трансформация: ШАФФОФ, АНИҚ ВА МАҚСАДЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 27 декабрь куни сунъий интеллект технологияларини ҳамда телекоммуникацияларни ривожлантириш бўйича режалар тақдими билан танишди. Таъкидланганидек, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида мамлакатимизни минтақавий «IT-HUB»га айлантириш вазифаси белгиланган. Шу мақсад йўлида рақамли технологиялар босқичма-босқич ривожлантириб келинаётган. Ҳудудларда IT-парклар ташкил этилиб, бу соҳада ўқиш ва ишлаш учун имконият кенгайди. Интернет тезлиги ва қамрови ошди. 190 мингдан зиёд аҳоли ишли бўлди.

#### Нуқтаи назар

Ҳаётнинг турли жабҳаларида сунъий интеллектни қўллаш кенгаймоқда. Шундай технология асосида 20 дан ортиқ лойиҳалар ишга тушди. Тармоқ ва йирик корхоналар бўйича яна 70 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Президентимиз қарори билан Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Унда сунъий интеллектга асосланган дастурий маҳсулотлар ва хизматлар улушини кўпайтириш, техник инфратузилмани кенгайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш каби қатор чора-тадбирлар белгиланган. Бу борадаги ишлардан кўзланган мақсад ягона: инсон кадрини юксалтириш, унинг фаровон ҳаётини таъминлаш! Ҳақиқатан ҳам, давлат сиёсати даражасига кўтарилган «Инсон қадрини учун!» тамойили ҳаётимизга бутунлай янги мазмун бахш этмоқда. Бугун қаерда, қайси соҳада ишламайлик ҳуқуқларимиз кафолатланган, замон талабларига мос имкониятлардан эмин-эркин фойдаланяпмиз.

лик ягона тизимиға интеграция қилинаётгани, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиёти мунтазам кенгайтириб борилаётгани одамларнинг узогини яқин, оғрини энгил қилмоқда. Статистик маълумотларға бир қур назар ташлайдиган бўлсак, юқоридеги фикрлар нақадар ҳаётий эканини кўриш мумкин. Бугунги кунда «my.gov.uz» порталидаги электрон давлат хизматлари сони 700 тадан ортди. Бу эса қанчадан-қанча юрдошларимизнинг ортиқча овозагарчиликсиз, ҳатто уйдан чиқмасдан ишларини битказишиға имкон берапти. Масалан, 2024 йилда биргина Ягона интерактив давлат хизматлари порталиға 32 миллиондан кўп мурожаатлар келиб тушган. Бу катта натижа, албатта. Шунингдек, барча ҳудудда ташкил қилинган давлат хизматлари марказлари, «MyGov» мобил иловаси, Халқ қабулхоналари ҳамда «Consul.gov.uz» платформаси орқали турган аризалар ҳам анчагина. Кўриб турганингиздек, юртимизда давлат хизматларидан фойдаланиш қўрсаткичи юқори бўлиб, аҳолининг турли ёш гуруҳлари ва тоифалари хизматлардан фазол фойдаланяпти. Юрдошларимиз томонидан юборилган аризалар сони ҳамда турли платформалардан кенг фойдаланиш қўбилиши ўсиши давлат хизматларининг инсонлар учун нақадар қўлай ва самарали эканининг яққол исботидир. Рақамли трансформация бугунги кунда давлат бошқарувида янги имкониятлар эшигини очаётганиға

шубҳа йўқ. Замонавий технологиялар билан уйғунлашган чора-тадбирлардан кўзланган мақсад ҳам аслида шу — аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бандликни ҳамда ижтимоий тенгликни таъминлашда янада самарали натижаларни қўлга киритиш. Шу ўринда бу борадаги ишларни янада кенгайтириш бўйича ўз мурожаза ва таклифларимизни келтириб ўтсак. Бизнингча, бугунги кун учун энг муҳим масала сақланган қамбағалликни қисқартиришда ҳам рақамли технологиялардан кенг миқёсда фойдаланишға ўтиш зарур. Бунда бизға сунъий интеллект, «Big data» ва блокчейн технологиялари ёрдамға келади ҳамда улар орқали мазкур масалани ечишда беминнат кўмакчи бўладиган платформа яратиш мумкин. Масалан, «Big data» ёрдамида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш, қамбағаллик хавфи юқори ҳудудларни аниқлаш ва уларға йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш мумкин. Бу орқали аниқ маълумотларға асосланган ҳолда ресурсларни самарали тақсимлашға эришилади. Шунингдек, рақамли платформалар ёрдамида давлат томонидан бериладиган нафақа, субсидия ва кредитлар учун аризаларни топшириш ҳамда уларни кузатиб бориш имкони яратилади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий ёрдам дастурларининг коррупцияга қарши ҳимоясини кучайтиради. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида эса рақамли технологиялар орқали янги иш ўринларини яратиш,



мавжуд бўлганларини оптималлаштириш мумкин. Масалан, онлайн меҳнат бозорларини яратиш орқали одамлар масофадан иш топиш ва ишлаш имконига эга бўлишади. Сунъий интеллект ёрдамида эса меҳнат бозориде талаб ва таклифни аниқ кузатиш, иш бериувчи ҳамда иш қидирувчиларни боғлаш имконияти пайдо бўлади. Умуман, бу аҳолининг барча қатламиға қўлайлик ҳозирлайди. Айниқса, қишлоқ жойларида тадбиркорликни ривожлантириш истагини қўлайлаштириш имкони пайдо бўлган учун айни мuddо. Онлайн платформалар орқали янги даромад манбаларини яратиш мумкин. Зеро, бугун электрон тижорат ва маркетинг, масофавий ишлаш, фрилансерлик платформалари, иш топиш иловалари ҳамда сайтлар орқали мақсад ва ниятларини амалга ошираётган ҳамюртларимиз кувончлиларнинг турмуш тарзида ҳам акс этмоқда. Касб-хунар ўрганиш дейсизми, бизнесни йўлга қўйиш, янгиликлар яратиш ёки таклифлар киритиш дейсизми — барча-барчаси билан масофавий ҳамда электрон кўриниш-

да шуғулланиш мумкинки, бу нафақат вақт ва маблағни тежайди, балки замон ва макон сарҳадларини тан олмаган ҳолда ишлаш, орзуларни рўёбға чиқариш, юксак марраларға эришиш имконини беради. Бундан шу нарса англашиладики, техника-технологиясиз ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмайдиган даврда яшаётган эканмиз, демак, ҳар биримиз унинг чексиз имкониятларидан унумли фойдаланиш кўникмасини эгаллашимиз шарт. Ана шундангина келажакимизни ёрқин ўзланарға бура оламиз ва уни барқарор қилиш йўлида янада дадил қадам ташлаймиз. Зотан, юртимизда давлат хизматлари кўрсатиш, барча жабҳани рақамлаштириш, IT ва сунъий интеллект соҳаларини жадал ривожлантиришға катта эътибор қаратилаётгани бу йўлда бизға таянч ва кўмакдош бўлади.

Мунис АБДУЛЛАЕВ, Халқор Нордик университетининг Саноати бошқаруш ва рақамли технологиялар кафедраси мудири, доцент (PhD).

# БАРҚАРОР ТУРИЗМ

## Замонавий талабларга мос ечимлар зарур

Давлатлар кесимида таҳлил қиладиган бўлса, кейинги йилларда асосан, Россия, Қозғоғистон, Франция, Туркия, Германия, Италия, Испания, Буюк Британия, АҚШ ва Хитойдан туристлар келганлигини кузатиш мумкин.

Айтиш жоизки, 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Президент қароридан мамлакатда туризмни янада ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилган эди. Шу жиҳатдан, туризм иқтисодий таъминининг етакчи тармоқларидан бирига айланмоқда, қолаверса, соҳани ривожлантириш мақсадида давлат томонидан қатор устувор вазифалар белгиланган.

Хусусан, давлатлиги раҳбари Бугунҷаҳон туризм ташкилотининг 25-сессиясида мамлакатимизда 2030 йилга бориб хорижий туристлар сонини 15 миллионга, ички туризм оқимини эса 25 миллионга етказиш режа қилинганлигини, туризмни 2030 йилгача комплекс ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилаётган стратегияда замонавий туризм ва транспорт инфратузилмасини яратишга устувор аҳамият қаратилишини таъкидлаб ўтган эди. Бунда юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган янги автомобиль ва темир йўллар қурилиши, авиатранспорт парки 2 баробар кенгайтирилиши, авиакатновлар сонини тўрт баробар оширилиши, йирик шаҳар ва сайёҳлар кўп борадиган манзилларда 30 та йирик туризм кластери ташкил қилиниши қайд этилди.

### Рақамлар кўламини ифодалайди, аммо бу салоҳиятга мосми?

Албатта, бу топшириқларнинг ижросини таъминлашда ҳудудларнинг туризм салоҳиятидан ҳам кенг фойдаланиш мақсада мувофиқ, Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси туризм ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Қорақалпоғистон ўзининг бой табиати, тарихи ва маданий меросига эга бўлган минтақа сифатида туризм соҳасини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Худудда бу борада амалга оширилган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йилда бу ерга 1,2 млн. турист (110 минг хорижий, 1,1 млн. маҳаллий) ташриф буюрди ва 21 млн. доллар миқдорда туризм хизматлари экспорт қилинди. Хорижий туристларнинг ўртача қолиш муддати давомийлиги 1,5 кундан 3 кунга етди.

2024 йилда бу кўрсаткич икки баробар ошиб, хусусан, 1 ноябрь ҳолатига 197 мингга яқин хорижий ва 1,9 млн. ички туристлар ташриф буюрди. Туризм хизматлари экспорти 28 млн. долларни ташкил этди. Бугунги кунда 110 та жойлаштириш воситалари (30 та меҳмонхона, 50 та оилавий меҳмон уйи, 27 хостел, 3 та ўтов уйи) туристларга хизмат кўрсатади. Улардаги ўринлар сонини 2469 тани ташкил қилади. Худудда 64 та турооператор ва 12 та турагент иш олиб бормоқда.

Бу заминда 288 та маданий мерос (археологик 131 та, монументал 88 та, архитектура 24 та, зиёратгоҳ ва диққатга сазовор жойлар 45 та) мавжуд. Худуд туризм салоҳиятини тарғиботи хорижда мунтазам равишда йўлга қўйилган. Сайёҳлар, асосан, Нукус шаҳри, Мўйноқ, Эллиққалъа, Чимбой, Беруний, Хўжайли туманларидаги музей, эко, этно, экстремал, гастрономик, тарихий-маданий, археологик, зиёрат туризми ҳамда хўнармандчилик каби йўналишларга катта қизиқиш билдирмоқда.

Хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимини янада ошириш мақсадида Қорақалпоғистон учун алоҳида “Ўзбекистоннинг шимолий дарвозаси — The Northern Gate of Uzbekistan” номи остида тарғибот стратегиясини амалга ошириш, халқаро туристик платформа ва ярмаркаларда худуднинг этно, эко, гастрономик имкониятлари ва хўнармандчилигини тўлиқ тарғиб қилиш режалаштирилган.

Эллиққалъа туманида жойлашган “Ақчақўл” туристик рекреацион зонасини ташкил қилиш ишлари олиб борилаётган. Ушбу туристик зона инфратузилмасини яхшилаш учун 30 млрд. сўм маблағ ажратилди. Жумладан, 700 ўринли амфитеатр ишга тушди, “Ақчақўл” бўйида 1,5 км. пляж зонаси яратилди, пиёдалар ва вело йўли фойдаланишга топширилди, 9 км. ичимлик суви тармоғи тортилди, кўёш панеллари ўрнатилди. Ҳозирда бу худудда сузиш ҳавзалари, спорт майдонлари, автотураргоҳ, вертолёт қўниш майдони, туристик зонага олиб борувчи йўлларни таъмирлаш ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш жараёни бошланган.

Салоҳияти юқори бўлган Эллиққалъа ва Тахтакўпир туманларида барча қулайликка эга туризм масканлари режалари ишлаб чиқилди, 2024 — 2027 йиллар оралиғида ҳар бир худудга 50 млн. доллар инвестиция маблағлари жалб қилиниб, йи-

туризм, иқтисодий, маркетинг, тарих, география, сервис, хорижий тиллар йўналишларида ўқийётган талабаларнинг камида 2 ойлик амалиётини ушбу туманларда ташкил қилиш;

туризм ва сервис объектлари ишчиларини ўқитиб бериш белгилаб берилган эди.

Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат иқтисодий университетининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, талабалари томонидан Тахтакўпир, Хўжайли ва Эллиққалъа туманларида изчил ҳаракатлар олиб борилмақда.

Бунда Эллиққалъа туманида туризм кластерини, Тупроққалъа этномузейи ва “Ақчақўл” туристик рекреацион зонасини ташкил қилиш, ушбу худудда экотуризм



масканлари, сихатгоҳ, туризм хизмат кўрсатиш ва маданий кўнгилочар объектларни барпо этиш ҳамда гастрономик ва ов (балиқ ови) туризмни ривожлантириш учун инфратузилма имкониятларидан фойдаланиш, меҳмонлар учун кўрсатиладиган туризм хизматлари диверсификацияси кенгайтирилишига эришиш аниқ мўддаодир.

Хўжайли туманида археологик, зиёрат, экологик туризмни ривожлантириш, Тахтакўпир туманида этномаданий туризм имкониятларидан, Қаратеренг қўли ҳамда бошқа туристик объектлардан фойдаланиш, ҳозирда энг оммалашиб бораётган чўл ландшафти, экологик, рекреацион туризм йўналишларида салмоқли ишларни амалга ошириш мумкин. Умуман, ушбу туманларда туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд.

Индикаторлар — барқарор ўсиш омили

Хўш, Қорақалпоғистон Республикасига туристларнинг кенг жалб қилиш бўйича имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим?

Фикримизча, аввало, Қорақалпоғистонда ҳам туризмнинг барқарор ўсишини таъминлаш, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ва маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун махсус индикаторларни ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ. Бу индикаторлар ўз ичига туризмнинг иқтисодий, экологик, ижтимоий ва инфратузилма аспектиларини қамраб олиши керак.

Иқтисодий индикаторларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрган туристлар сонини ва уларнинг харажатлари;

меҳмонхоналар ва туристик муассасалардаги иш ўринлари; маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш даражаси.

Экологик индикаторларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: табиий ресурсларнинг сақланиши (сув, ҳаво, замин); экотуризм фаолияти ва унинг таъсири; Қорақалпоғистон Республикасидаги табиат паркларига ташриф буюрувчилар сонини.

Ижтимоий индикаторлар қуйидаги гуруҳларга тақсимланади: маҳаллий аҳоли иштироки рағбатлантириш (туризмдаги иштироки, маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш); туризмнинг маҳаллий маданият ва анъаналарга таъсири; аҳолининг туризмдан оладиган фойдаси (иқтисодий, ижтимоий); Инфратузилма индикаторлари қуйидаги гуруҳлардан иборат:

худуддаги туристик инфратузилманинг ривожланиш даражаси (жойлаштириш воситалари, транспорт, овқатланиш шохобчалари ва бошқа хизмат кўрсатувчи хўжайликлари); туризм соҳасига киритилган инвестициялар; транспорт алоқа ва логистика тизимининг самарадорлиги.

Юқорида зикр этилган индикаторлар Қорақалпоғистон худудларида туризмнинг самарали фаолият кўрсатишига ўз таъсирини ўтказиши. Индикаторларнинг самарали ишланиши йўлга қўйиш учун эса мониторинг тизимини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўз ичига статистик маълумотларни тўллаш, таҳлил қилиш ва натижаларни кузатишни қамраб олади. Маҳаллий давлат органлари туризмнинг барқарор ривожланишига доир кўрсаткичларни кузатиш ва уларни ижро этишда муҳим роль ўйнайди. Қолаверса, халқаро ва маҳаллий ташкилотлар, олимлар билан ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказиш, ижобий тажрибаларни ўрганиш, назария ва амалиёт ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш зарур. Қорақалпоғистон Республикасининг туризм бошқармаси томонидан соҳада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириб бориш, тизимли таҳлил қилиш, маркетинг тадқиқотларини йўлга қўйиш, келажак учун стратегик режаларни тузиш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда юқорида кўрсатиб ўтилган олий ўқув орталари билан биргаликда Қорақалпоғ давлат университетининг профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчилари, талаба ёшларини кенг жалб қилиш зарур. Ҳамкорлик биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, илмий конференциялар ўтказиш, маҳаллий турооператорлар билан ўқув-услубий семинарлар уюштириш, гид ва таржимонларни тайёрлаш, хорижий стажировкаларни ташкил этиш шаклларида бўлиши мумкин.

Хуллас, Қорақалпоғистон Республикасининг туризм соҳасини барқарор ривожлантириш учун индикаторлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Индикаторлар иқтисодий, экологик ва ижтимоий кўрсаткичларни ўз ичига олади, бу минтақадда туризмни самарали ва барқарор ривожлантиришга хизмат қилади. Ушбу индикаторларни амалиётга жорий этиш эса маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва минтақанинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатади.

Мурод ИКРОМОВ, Алишер ЭШТАЕВ, Тошкент давлат иқтисодий университетининг профессорлари.

Хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқимини янада ошириш мақсадида Қорақалпоғистон учун алоҳида “Ўзбекистоннинг шимолий дарвозаси — The Northern Gate of Uzbekistan” номи остида тарғибот стратегиясини амалга ошириш, халқаро туристик платформа ва ярмаркаларда худуднинг этно, эко, гастрономик имкониятлари ва хўнармандчилигини тўлиқ тарғиб қилиш режалаштирилган.

Назария ва амалиёт ажралмасдир

Соҳада назариянинг амалиёт билан интеграциясини йўлга қўйиш, илмий тадқиқот ишларини соҳага кенг татбиқ этиш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат раҳбарининг топшириғига кўра юртимиздаги 11 та олий таълим муассасаси, вилоятлар ҳамда 31 та туман ҳокими билан биргаликда:

31 та туман ва улардаги 143 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва туристик объектлари контентини яратиш;

улар асосида камида 12 та тилда (рус, инглиз, француз, немис, араб, япон, хитой, ҳинд, испан, португал, корейс, малай) туризм пакетларини ишлаб чиқиш;

# ҲАЙДОВЧИНИ ОҒОҲЛАНТИРАЁТГАН «АҚЛЛИ» ҚУРИЛМА

Фарғона вилоятида аҳоли сонини 4 миллиондан ортиқ бўлиб, куннинг тизги даврида шаҳар ва туманлар марказлари, катта автомагистраль йўлларида автомобиллар тирбандлиги сезилмоқда. Бу эса ушбу йўналишда замонавий мезонлар асосида илм-фан ютуқлари, инновация гоёларини амалиётга кенг жорий этишни тақозо қилади.

### Инновация

Шу жиҳатдан Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали ҳамда вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидоги корхоналар ҳамкорлигида 2024 — 2026 йилларда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар белгилаб олинган.

Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва тала-

мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда катта ўрин тутаяди.

— “Ақлли” светофор қурилмалари дастлаб Фарғонада қад ростлаган қошаҳарда автомашиналар серкатнов учта кўчага ўрнатилиб, транспорт воситаларининг тартибли ҳаракатини йўлга қўйишга эришилди, — дейди Фарғона вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси бош мутахассиси Асқарали Хусанов. — Навбатдаги “ақлли” йўл белгилари “Фарғона ҳалқаси” автомобиль йўлининг 218 км. қисмига, Олтиариқ тумани худудидан ўтган “Фарғона ҳалқаси” автомобиль йўлининг 245 км. қисмига ўрнатилади.

“Ақлли” йўл белгилари ушбу автомобиль йўлида белгиланган тезлик соатига 60 км. бўладиган бўлса, ҳайдовчига йўлнинг шу қисмида қандай тезликда кетаётганлигини кўрсатиб, оғоҳлантиради. Бундан ташқари, ушбу қурилма йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг ҳаракат жадаллигини аниқлаш ва шу асосда тирбандликларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилади.



Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

## РЕПЕТИТОР САБОҒИ — чинакам аҳтиёжми ёки оловга қалов?

Мақтаб таълими, айниқса, дунёвий фанларни эгаллаш ҳамisha ва ҳар қайси даврда катта маънавий аҳтиёж, инсон келажакни яратилишининг устувор омили саналиб келинган. Шиддатли тараққиёт кузатилаётган ҳозирги давримизда эса масала янада долзарблашди, чўқур билимга эга бўлиш, хусусан, олий маълумот олиш ҳаётий талаблардан бирига айланди. Лекин олийгоҳга кириш осон иш эмас. Бунинг учун бошланғич синфдан бошлаб кунт билан ўқиш, энг муҳими, ўқиш керак.

Амалда ушбу ҳақиқатни маҳкам тутиб, олий таълим муассасасига мустаҳкам билими билан эмин-эркин қираётган битирувчилар сонини қанчали ташкил этади, деган савол туғилади. Замона зайли билан пайдо бўлган репетиторлик ва тайёрлов курслари ўқувчини мақтаб дарслардан тортиб олмаётими? Тортиб олапти, бу, аввало, давоматда кўзга яққол ташланади, жойларда ҳатто мактабни бир четга суриб қўйиб, тайёрлов курсларида ётиб ўқийётган бор. Нима, репетитордан дарс олмасанг, ОТМга киролмайсан, деганими бу?

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Наманган вилоятининг ўзида ўндан ортиқ нодавлат таълим муассасалари, болаларга алоҳида фанлар бўйича яқка тартибда (албатта, пуллик!) сабоқ бераётган репетитор ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Улар тайёрлаган битирувчиларнинг 80 — 90 фоизи давлат гранти ёки тўлов-шартнома асосида талабалар рўйхатидан ўрин олмақда.

Сиртдан қараганда, ёшларни тест синовларига бу тартибда тайёрлаш усули ўзини оқлайётгандай кўринади. Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам бор-да! У, биринчи навбатда, мактабдаги таълим жараёнига таъсирини ўтказиб, ўқувчиларнинг ўзи танлаган дарсларни ўрганиш билан чекланиб қолишига олиб келаётган. Бунда яқка тартибдаги таълимни афзал кўрган ўқитувчининг дарс ўтишига, ўз устида ишлашга иштиёқи сўниб бориши табиий ҳол. Қолаверса, истаимизми-йўқми, бу билан билим беришда табақаланиш ҳолати юзага келиши икки қарра иккидай гап. Масаланинг моддий томони ҳам бор. Тайёрлов курси тўлови яхшигина пул туради, ваҳоланки, ҳамма ота-она бунга қодир эмас.

— Олий таълим муассасаларига 2024 йилги қабул натижалари билан қизиқимиз, — дейди Наманганда нашр этиладиган “Эртакич репетитор” газетасининг муҳаррири Мухаммад Маматвалиев. — Республика бўйича абитуриентларнинг 43 фоизи тест саволларини 50 фоизгача ҳам ечолмади. Бу “икки баҳо” дегани, аслида. Етарли балл тўплай олган йигит-қизлар ўзлари хоҳлаб-хоҳламаган тарзда паст балл талаб қилинаётган олийгоҳларни танлашапти. Масалан, энг юқори ўтиш кўрсаткичи 189 балл бўлган ҳолатда ЎзМУнинг кимё факультетига даъвогарлар 77 балл билан қабул қилинди. Айни балл билан ўқишга кирган талаба, ҳақиқатан ҳам, кимёни яхши кўради, деб ўйлайсизми?! Бундай шароитда касбини юрак-юракдан танлаган, шу йўналиш бўйича пухта билим ва кўникамо орттирган мутахассис шаклланиши қийин кечаяди, албатта.

Масаланинг яна бир ташвишли томони, тайёрлов курсларида фақат танланган фанлар зўр бериб ўқитилиши. Уни тамомлаётганлар кўпи билан тўрт-бешта фанни чўқур билади, ҳолос. Масалан, математика, кимё ва физика ёки инглиз тилини сув қилиб ичиб юборган абитуриент милодий ва ҳижрий санани фарқлай олмайдиан ҳолатлар ҳам учрайди. Галактикалар ҳақида сўранг, тили тортилади, сабаби, астрономиядан хабари йўқ, уни фан сифатида тан олманган. Нима, муҳандис, кимёгар, АКТ, бошқа бир йўналиш дипломини кўзга киртаётган мутахассисга ҳаётда ва касбий фаолиятида адабиёт, мוזийни билиш, мантқиқий фикрлаш керак бўлмайдими?

Шу ўринда, махсус курсларда тест синовларига зўр бериб тайёрланган ва талабалик бахтига эришган ёшларнинг олийгоҳдаги таҳлили қандай кенаяпти, барчаси ўқини кутилган даражада тортиб кетаётми, деган савол туғилади.

— Репетиторлик сабоғи, асосан, хотирани сайқаллаштиришга йўналтирилган, — дейди Наманган давлат университети доценти Бахтиёр Исҳоқов. — Абитуриентлик арафасида турган инсон кўпроқ тестга киритилган саволларнинг жавобини олишга интилади. Тез-тез ўтказиладиган назорат дарсларида тўғри жавоб қайтаришга эришади ҳам. Тўғрисики айтганда, бу — фанни чўқур эгаллади, дегани эмас. Ўқиш жараёнида ачинарли бир ҳолатдан таажжубга тушаман: кечагина юқори балл билан кирган айрим талабаларга бирор мавзу бўйича иншо ёзишни топширинг, қўли қалтирайди. Оғзаки нутқи ҳам ундан зиёд эмас.

— Якунланган ўқув йилида 85 нафар битирувчимизнинг 82 таси институт ва университетлар талабаси бўлди, — дейди Чортоқ туманидаги 53-умумтаълим мактаби директори Вазира Усмонова. — Илмий тестларини муваффақиятли топширишда даярли барчасига мактабда олган билим ва кўникмалари кифоя қилди. Демокриманки, бизнинг ўқувчиларимизда тайёрлов курси ёки алоҳида репетиторга талаб йўқ. Уларнинг ўрнини муаллимларимизнинг ўзлари бемалол тўлдиришади. Чунки 78 нафар ўқитувчимизнинг 60 нафари олий ва биринчи тоифага эга, тажрибаси ҳам, ўқитиш салоҳияти ҳам етарли. Айтмоқчиманки, мактабда етарлича орттирилган билим ҳамisha ўз сўзини айтади.

Табиийки, ушбу мавзуга қўл уриш жараёнида келтирилган фикрларнинг аксарияти шахсий мулоҳазаларга асосланган. Уларни келтириш билан репетиторлик ва мактаб сабоғи ўртасида “жарлик” яратиш мақсадидадан йироқимиз. Ниятимиз, ўқишга киришда адолат янада маҳкам тутилиб, олийгоҳларга мактабда сабот билан ўқиган билимли ёшлар кўпроқ қабул қилинса, иқтидордан четда қолиб кетмаса. Токи, тестга тайёргарликнинг ҳар қандай кўриниши оловга қалов ёки имтиҳондан ўтишининг механик воситасига айланми қолмасин.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

## Японияда Ўзбекистоннинг янги туризм йўналишлари тақдироти ўтказилди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоғ бичими А—2. Баҳоини келишилган нархда.

Гезетаник ҳақидаги маълумотларни текшириш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

Муассислар:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6

Тахририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Гезетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.  
Гезета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.  
Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахоно телефони: 71-233-11-07.